

Кредит тўлиқ қиймати

_____ %

ёзувда

Банк пластик карточаси воситасида жисмоний шахслар учун миллий валютада овердрафт кредитини («Овердрафт – «Кўшимча ҳамён») бериш тўғрисида Шартнома

_____ ш.

«__» _____ 20__ й.

«Ориент Финанс» ХАТБ, (кейинги ўринларда «Банк» деб номланади) Низом ва _____ 20__ й даги № _____ сонли Ишончнома филиал/АМАЛБОШ Бошқарувчиси/Бошлиғи _____ Ф.И.О. _____ сиймосида, бир тарафдан, ва Ўзбекистон Республикасининг _____ серияли № _____ рақамли, _____ (берилган сана) _____ йилдаа _____ (ким томонидан берилган) _____ берилган паспорти асосида ҳаракат қилувчи _____ Қарз олувчининг Ф.И.О. _____, (кейинги ўринларда «Қарз олувчи» деб номланади) иккинчи тарафдан, ушбу Шартномани (кейинги ўринларда «Шартнома») қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Қарз олувчига «Овердрафт – «Кўшимча ҳамён» (кейинги ўринларда – «Овердрафт») кредитини Шартномада кўзда тутилган шартлар асосида бериш мажбуриятини олади, Қарз олувчи эса Овердрафтни қайтариш ва унга ёзилган фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

2. ОВЕРДРАФТ БЕРИШ (ЛИМИТНИ БЕЛГИЛАШ) ТАРТИБИ

2.1 Овердрафт миллий валютада фақат Банк томонидан чиқарилган банк пластик карточаси (кейинги ўринларда «БПК») орқали, Қарз олувчининг миллий валютадаги махсус карточка ҳисобварағига (кейинги ўринларда – «СКС») Шарнома ҳамда Кафолат шартномаси тузилган кундан, шунингдек Овердрафтни ташкил этиш учун комиссиян ҳақ тўлганидан кейинги иш кунидан кечиктирмай Овердрафт лимитини белгилаш йўли билан берилади.

2.2 Ушбу Шарнома бўйича Овердрафта лимити (кейинги ўринларда – «Овердрафта Лимити») составляет _____ (суммаси ёзув билан) сўмни ташкил этади. Овердрафт Лимитининг муддати – Шартнома имзоланган кундан бошлаб 12 ой.

2.3 Овердрафт Лимитининг янгиланиш даврийлиги ва миқдори Лимит жадвалига (Шарноманинг 1-сонли иловаси) мувофиқ.

2.4 Қарз олувчи Овердрафтнинг навбатдаги суммасини фақат Овердрафт Лимити бўйича Шартноманинг 2.3.-бандида белгиланган фойдаланилмаган қолдиқ мавжуд бўлган ҳамда Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолда олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.5 Қарз олувчи ойлик лавозим маоши қисқартирилган ҳолда 5 иш куни давомида Банкка бу ҳақда маълумонома тақдим этиши шарт. Иш ҳақининг ва унга тенглаштирилган тўловларнинг СКС га тушириб берилаётган миқдори қисқартирилган ҳолатларда Овердрафт Лимитининг миқдори Банк томонидан бир тарафлама тегишли тарзда ўзгартирилиши мумкин.

3. ОВЕРДРАФТ БЎЙИЧА КОМИССИОН ҲАҚ ВА ФОИЗЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

3.1 Овердрафтни ташкил этиш учун Қарз олувчининг СКС ҳисобидан бир марталик комиссиян ҳақ _____ сўм миқдоридан ундирилади. Комиссион ҳақ Шартнома амал қиладиган бутун муддат учун ундирилади. Шарнома муддатидан олдидан бекор қилинган ҳолда Қарз олувчи томонидан тўланган комиссиян ҳақ қайтарилмайди.

3.2 Овердрафт қолдиғига фоизлар ҳар куни иш кунининг охирида йилда 365 кун ҳисобидан ҳамда ҳар бир ойдаги кунларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиқиб, ноль бўлмаган қолдиқ вужудга келган кундан бошлаб ҳисоблаб ёзилади. Фоизларнинг миқдори йиллик _____ (_____) фоизни ташкил этади. Овердрафт бўйича муддати ўтган қарздорликка Қарз олувчи муддати ўтган қарздорликнинг ҳиққий суммасига нисбатан оширилган _____ (_____) фоиз миқдордаги фоизлар тўлайди. Фоизлар ҳар ойда ойнинг _____ санасидан кечиктирилмай тўланиши шарт.

3.3 Овердрафт бўйича қарздорликларни сўндириш даври Овердрафт бўйича ноль бўлмаган қолдиқ вужудга келган кундан бошлаб СКС га пул маблағлари келиб тушган патгача ҳисоблаб ёзилади. Овердрафтга оид асосий ва фоизлар бўйича қарздорликларни сўндирилиши СКСга пул маблағлари келиб тушганидан кейин автоматик тарзда амалга оширилади, шунингдек Қарз олувчи Овердрафт сўндирилишини Шўартноманинг 2-иловасида келтирилган Жадвал асосида амалга оширади.

3.4 Шарнома бўйича ҳар қандай тўловлар қуйидаги навбат асосида йўналтирилади:

– Қарз олувчининг айби билан Банкка етказилган зарарни, шунингдек мажбуриятлар лозим даражада бажарилмагни учун бевурдликни тўлашга;

– асосий қарз фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорликни тўлашга;

– асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорликни тўлашга;

– асосий қарз фоизлари бўйича муддатли қарздорликни тўлашга;

– асосий қарз бўйича муддатли қарздорликни тўлашга.

3.5 Фоизлар ва асосий қарзни қайтариш бўйича тўловлар автоматик тарзда, СКС да мавжуд бўлган ваёки келиб тушадиган пл маблағлари (иш ҳақи ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар) ҳисобидан зарур миқдордаги пул маблағларини Банк томонидан Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчининг фармойишисиз ва розилигисиз (акцептсиз тартибда) амалга оширилади.

3.6 Агар Қарз олувчи Овердрафтни ва унга ёзилган фоизларни ўз муддатида сўндирмаса, вужудга келган қарздорлик Қарз олувчи томонидан Банкка тақдим этилган ҳуқуқлардан фойдаланиш асосида сўндирилади.

3.7 Ушбу билан Қарз олувчи Банкка ўзининг ушбу Шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини унинг фармойишисиз ва розилигисиз бандаги ва бошқа банклардаги ҳар қандай валютадаги ҳисобварақларидан ечиб олиш бўйича ҳаққий, чақириб олинмайдиган ва сўзсиз ҳуқуқни тақдим этади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.1.1. Қарз олувчига зарур кредит (ссуда) ва бошқа ҳисобварақларни очиш;

2.1.2. Овердрафтни БПК даги пул маблағларини ишлатиш бўйича лимитни ўрнатган ҳолда Шартномада белгиланган миқдорда тақдим этиш;

2.1.3. Қарз олувчининг Банкдаги СКС га келиб тушаётган барча маблағларни вужудга келган Овердрафтни сўндириш учун йўналтириш;

2.1.4. Овердрафтни сўндириш ва Овердрафт фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорлик тўғрисида Қарз олувчини ёзма/оғзаки тарзда огоҳлантириш.

2.1.5. Овердрафтдан фойдаланганлик учун фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ундириб олинишига риоя этиш;

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Овердрафтдан фойдаланиш муддати мобайнида Қарз олувчидан унинг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш учун маълумотлар ва ҳужжатлар талаб этиш;

2.2.2. Овердрафт Лимитини бекор қилиш ва Овердрафт тақдим этилишини тўғатиб қўйиш, шунингдек Қарз олувчидан Овердрафтни муддатидан олдин қайтарилишини ва фоизларни тўлашни талаб қилиш, қуйидаги ҳолатларда Овердрафт бўйича барча қарздорликларни сўндириш шарт билан Шартномани Қарз олувчига хабар бермасдан бир тарафлама бекор қилиш:

- асосий қарзни қайтариш ва (ёки) Овердрафт бўйича фоизларни тўлаш муддатлари бузилса;
- Қарз олувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар ва бошқа ахборот (маълумотном ва ҳ.к.) ҳаққоний бўлмаса;
- Иш берувчи (Корпоратив мижоз/Банк) билан Қарз олувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинса (Қарз олувчининг иш жойи ўзгарса);
- Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашса;
- Қарз олувчининг мол-муликка ёки унинг бир қисмига ундирув қаратилса ва пул маблағларини тўлаш ёки мол-мулкнинг талай қисмига талаб қўйиш бўйича даъво киритилган бўлса;
- Қарз олувчининг ҳисобварақлардаги пул маблағлари (шу жумладан Банкдаги) қамал қилиб қўйилса;
- СКС га 3 ой давомида маблағлар тушумининг охириги уч ой давомидаги ўртача суммадан 50 фоиздан кўпроққа камайиб кетса (ёки тўхтаб қолса).
- Қарз олувчи Овердрафтни сўндириш учун маблағлар келиб тушиши истиқболи мавжуд бўлмаса;
- Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажармаса;
- Қарз олувчи Шартномага шартларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариши учун хавф туғдирувчи бошқа ҳолатлар ва шaroитлар вужудга келса;

2.2.3. Овердрафтдан фойдаланганлик учун фоиз ставкасини қуйидаги ҳолатларда бир тарафлама ошириш/пасайтириш:

а. Ўзбекистон Республикаси молия соҳасида вазиятнинг ўзгариши (масалан, қайта молиялаш ставкасининг оширилиши, инфляция, Банкка нисбатан банк ресурсларнинг қиймати ошишига олиб келувчи талаблар қўювчи меёрий ҳужжатларнинг чиқарилиши, мажбурий заҳиралар бўйича талабларнинг оширилиши ва бошқа Банк хизматларининг қимматлашувини келтириб чиқарувчи ташқи таъсирлар);

б. Банк томонидан молиялаштириш (кредит бериш) шартларининг Банкнинг ваколатли органи қарори билан расман ўзгартрилиши;

4.2.4. Оширилган/камайтирилган фоиз ставкаси Овердрафт маблағларига нисбатан Банкнинг ваколатли органи томонидан тегишли қарор, агар ушбу арорда бошқача тарих кўрсатилган бўлмаса, қабул қилинган кундан бошлаб қўлланади. Янги шартлар (фоиз ставкалари) Қарз олувчига тегишли ёзма хабарнома жўнатилганидан кейин камида бир ой ичида кучга киради.

4.2.5. Қарз олувчининг СКС орқали амалга ошираётган операциялари (шу жумладан ҳисобварақ бўйича пул маблағлари айланмаси, тушумлар ҳажми ва сарфлаш тартиби) устидан мустақил назорат олиб бориш.

4.2.6. Қарз олувчининг Банк олдидаги қарздорлигини қайтариш, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Шартномада кўзда тутилган барча чораларни кўриш. Шу муносабат билан қилинган барча Банк харажатлари Қарз олувчи ҳисобидан қўлланади.

4.3. Қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.3.A1. Овердрафт бўйича _____ кўринишидаги, _____ суммаси _____ сўмлик таъминотни тақдим этиш.

2.3.A2. Овердрафт бўйича асосий қарзни ва фоизларни Шартномада кўзда тутилган муддатларда ва миқдорда иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни СКС га кўчириб ўтказиш йўли билан, зарур ҳолларда СКС га нақд пул маблағларини топшириш орқали тўлаш.

2.3.A3. В срок не позднее 5 (беш) иш кунидан кўп бўлмаган муддат мобайнида Банкка лаозим маошининг (иш ҳақининг) камайгани тўғрисида хабар бериш.

2.3.A4. Қарз олувчи ва унинг Иш берувчиси (Банкнинг Корпоратив мижози) ўртасидаги меҳнат муносабатлари бекор қилинган тақдирда кейинги иш кунидан кечиктирмай, бу ҳақда Банкка хабар бериш.

2.3.A5. Қарз олувчи овердрафтни сўндириш ва фоизларни тўлаш шартларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариши учун хавф туғдирувчи ҳолатлар ва шaroитлар вужудга келса бу ҳақда Банкка ўз вақтида хабар бериш.

2.3.A6. Овердрафтдан фойдаланиш мобайнида Банкка Қарз олувчининг тўлов лаёқатини ҳамда Шартнома бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажара олишини аниқлаш учун зарур бўлган ҳаққоний маълумотларни ва ҳужжатларни (иш билан бандлиги, иш ҳақининг миқдори тўғрисидаги маълумотнома ва ҳ.к.) тақдим этиш.

2.3.A7. Турар жой манзили ва иш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, ана шундай ўзгаришлар содир бўлганидан кейин 5 иш кунидан кечиктирмай, Банкни ёзма равишда хабардор этиш.

2.3.A8. Ўзи билан алоқа боғлаш учун фойдаланилаётган алоқа маълумотлари, алоқа боғлаш усули ўзгариши тўғрисида Банкка шундай ўзгариш содир бўлганидан кейин уч кун мобайнида эркин шаклда битилган ёзма хабарнома тақдим этиш ёки юбориш орқали Банкни хабардор этиш.

2.3.A9. Ўз мажбуриятлари бўйича Банк олдида Овердрафт бўйича қарздорлиги доирасида ўзининг барча мол-мулки билан жавоб бериш.

4. 4. Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. Овердрафт бўйича ўрнатилган лимитдан исталган пайтда лимит Жадвалига мувофиқ фойдаланиш.

2.4.2. Кредитни тўлиқ ёки қисман Кредитдан фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларини ҳам тўлаган ҳолда муддатидан олдин сўндириш.

2.4.3. Қарор қабул қилишдан 3 (уч) кун олдин Банкни хабардор этган ҳолда Овердрафтдан фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш.

2.4.4. Ушбу Шартнома бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолда, Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Асосий қарздорликни қайтариш муддати бузилган тақдирда (муддати ўтган кредит бўйича) Қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланганлик учун белгиланган фоиз ставкасидан _____ марта юқори бўлган фоиз ставкасини муддати ўтказилган бутун давр учун тўлайди.

5.2. Фоизларни кўрсатилган муддатда тўламаганлик учун Қарз олувчи Банкка ҳар бир кечиктирилган кун учун _____ %, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг _____% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Банк Қарз олувчига Овердрафтдан фойдаланганлик учун нотўғри ҳисоблаб ёзилган ва ундириб олинган фоизлар суммасининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Банк томонидан Шартномада белгиланган жавобгарлик чораларининг қўлланиши Банкнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади, мажбурияти эмас.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

6.1. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Вужудга келган низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, улар хизмат кўрсатиувчи Банк филиалининг жойлашган манзили бўйича тегишли суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ ҳал этилади. Низолар вужудга келган тақдирда Банк ёзувлари ва кўчирмалар ушбу Шартнома бўйича ҳар икки тараф мажбуриятларининг имтиёзли (prima facie) далили вазифасини ўтайди.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Уфшбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва Қарз олувчи ўзининг ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қилади. Ушбу Шартнома Шартномада кўзда тутилган асосларда муддатидан олдидан бир тарафлама бекор қилиниши мумкин.

7.2. Тарафлардан бирининг ташаббуси билан Шартнома амал қилиш муддати тугагунча бекор қилинган тақдирда Қарз олувчи Банкка Овердрафт бўйича қрздорлигини тўлаши шарт.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу билан Қарз олувчи Банкка қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва розилик беради:

– Банк томонидан Кредит тарихи миллий институтига ва/ёки Банклараро кредит бюросига Шартноманинг шартларига доир маълумотларни тақдим этиш;

– Банкка маълум қилинган телефон рақамларга қўнғироқ қилиш, ва маълум манзиллар (реквизитлар) бўйича Қарз олувчига, унинг турмуш ўртоғига, шунингдек қариндошларига ва Қарз олувчининг Иш берувчисига хатлар, электрон ва SMS хабарлар жўнатиш;

– Қарз олувчи, унинг турмуш ўртоғи, шунингдек қариндошлари ва Қарз олувчининг Иш берувчиси билан музокаралар (учрашувлар) ўтказиш;

– Қарз олувчининг даромадлари тўғрисида унинг иш берувчисидан маълумот сўраб олиш;

8.2. Тарафлар Шартноманинг шартлари (тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, маблағларни қайтариш тартиби, фоизларни, комиссия ҳақни ва Овердрафт бўйича бошқа тўловларни тўлаш миқдори ва тартиби) ҳар икки тараф томонидан ўзаро келишилган ва уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини чекламайди. Қарз олувчи Шартнома фоизларни, комиссия ҳақни ва бошқа тўловлар билан танишган ва рози бўлиб, Шартнома ихтиёрий ҳамда онгли равишда имзоланган бўлиб, Шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари унга маълум.

8.3. Ушбу Шартноманинг шартларига ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда қўшимча кеклишув тузиш йўли билан рамайлаштирилади, бу қоидадан фоиз ставкаларининг ўзгариши (Шартноманинг 4.2.3.-банди) истисно этилади.

8.4. Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар. Шартноманинг барча иловалари унинг таркибий қисми ҳисобланади.

8.5. Ушбу шартнома 2 нусхада, ҳар икки тарафнинг истагига мувофиқ рус тилида икки нусхада, Қарз олувчи ва Кредитор учун бир нусхадан тузилди, уларнинг ҳар бири тенг ҳуқуқий кучга эга.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк:

«Ориент Финанс» ХАТБ
_____ ш., _____ кўча, тел. _____
Ҳ/р _____
МФО _____, СТИР _____

Бошқарувчи

Ф.И.О. _____

Бош бухгалтер
Ф.И.О. _____

Қарз олувчи:

Ф.И.О. _____
туғилган йили _____
Паспорт серияси _____ № _____
Берилган: _____ йилда
Тошкент шаҳар _____ туман ИИБ

Турар жой манзили: _____

Ф.И.О. _____ (Имзо)

**Банк пластик карточкаси воситасида жисмоний
шахслар учун миллий валютада овердрафт кредитини
(«Овердрафт – «Қўшимча ҳамён») бериш тўғрисида Шартномага
1-илова
№_/__ «__» _____ 20__й.**

Овердрафт кредити бўйича асосий қарздорликни сўндириш жадвали:

№	ТЎЛОВ САНАСИ	ТЎЛОВ СУММАСИ
1	20.00.20__	0,00 (____суммаси ёзув билан ____)сум
2	20.00.20__	0,00 (____суммаси ёзув билан ____)сум
3	20.00.20__	0,00 (____суммаси ёзув билан ____)сум
ЖАМИ		0,00 (____суммаси ёзув билан ____)сум

«БАНК»

Бошқарувчи
Ф.И.О. _____

Бош бухгалтер
Ф.И.О. _____

«ҚАРЗ ОЛУВЧИ»

Ф.И.О. _____

М.Ў.

**Банк пластик карточкаси воситасида жисмоний
шахслар учун миллий валютада овердрафт кредитини
(«Овердрафт – «Қўшимча ҳамён») бериш тўғрисида Шартномага
2-илова
№_/__ «__» _____ 20__й.**

Лимит жадвали:

№	ЎЗГАРИШ САНАСИ	СУММА ЛИМИТА
1	20.00.20__	0,00 (____суммаси ёзув билан____)сум
2	20.00.20__	0,00 (____суммаси ёзув билан____)сум
3	20.00.20__	0,00 (____суммаси ёзув билан____)сум
ЖАМИ		0,00 (____суммаси ёзув билан____)сум

«БАНК»

Управляющий
Ф.И.О. _____

Главный бухгалтер
Ф.И.О. _____

«ВАРЗ ОЛУВЧИ»

Ф.И.О. _____

М.Ў.